

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ  
DSc.26.04.2018.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ШАМСИДИНОВА АЛЬФИЯ САЙФИДДИНОВНА**

**ЎТКИР КОРОНАР СИНДРОМЛИ БЕМОРЛАРДА КАТЕХОЛАМИНЛАР  
МЕТАБОЛИЗМИНИНГ БУЗИЛИШИ ВА БИРЛАМЧИ МЕДИАТОРЛАР  
ЯЛЛИҒЛАНИШИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Шамсиддинова Альфия Сайфиддиновна**

Ўткир коронар синдромли беморларда катехоламинлар  
метаболизмнинг бузилиши ва бирламчи медиаторлар  
яллиғланишининг ўзаро боғлиқлиги ..... 3

**Шамсиддинова Альфия Сайфиддиновна**

Взаимосвязь нарушения метаболизма катехоламинов и первичных  
медиаторов воспаления у больных острым коронарным синдромом .... 21

**Shamsiddinova Alfiya Sayfiddinovna**

Relationship between the metabolic disorders of catecholamines and  
primary inflammatory mediators in patients with acute coronary syndrome. 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 41

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ  
DSc.26.04.2018.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ШАМСИДИНОВА АЛЬФИЯ САЙФИДДИНОВНА**

**ЎТКИР КОРОНАР СИНДРОМЛИ БЕМОРЛАРДА КАТЕХОЛАМИНЛАР  
МЕТАБОЛИЗМИНИНГ БУЗИЛИШИ ВА БИРЛАМЧИ МЕДИАТОРЛАР  
ЯЛЛИҒЛАНИШИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №.2017.1.PhD/Tib36 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.cardiocenter.uz](http://www.cardiocenter.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хужамбердиев Мамазоир Ахмедович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Алимов Дониер Анварович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расулова Зулфия Дадаевна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.26.04.2018.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси 4-уй. Тел./факс: (99871) 234-16-67, e-mail: [info@cardiocenter.ru](mailto:info@cardiocenter.ru)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел./факс: (99871) 234-16-67.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Д.Курбанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**Г.У.Муллабаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.Б.Шек**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) бутун дунё мамлакатларида ўлим ва ногиронликнинг асосий сабабларидан бўлиб, улар орасида ўткир коронар синдром (ЎКС) етакчи ўринни эгаллаш билан характерланади. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «юракнинг ишемик касалликлари (ЮИК) ўлим сабаблари орасида ҳар йили 17,7 млн. инсоннинг ҳаётдан кўз юмишига сабаб сифатида глобал миқёсда етакчи ўринни сақлаб турибди ва бу умумий ўлим ҳолатининг 31,1% ини ташкил этади»<sup>1</sup>. ЮҚТК ва шу борада ЎКС кўпинча меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида кенг тарқалганлиги ушбу муаммога дунё миқёсида алоҳида эътибор талаб этади.

Ҳозирги кунда дунё бўйлаб ЎКСли беморларни эрта ташхислаш, уларда юрак-қон томир асоратлари (ЮҚТА) пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадида бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, ўткир ва сурункали юрак етишмовчилиги, тўсатдан ўлим ривожланиш хавфини эрта баҳолаш ва уларнинг профилактикасининг олиб бориш услубларини мақбуллаштириш, ногиронлик ва ҳаёт сифатини пасайишининг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ЎКСнинг шаклланиши ва ривожланишида катехоламинлар (КА) метаболизмининг бузилиши, яллиғланишнинг бирламчи медиаторлари, миокарднинг эрта шикастланиш предикторлари протеин плазма – А (РАРР-А) ва мия натрий-уретик пептид NT-pro BNP ноҳуш башорати предикторлари ўртасида ўзаро алоқаларнинг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш, ЎКСнинг ривожланиши ва клиник кечишининг башоратлашда сезувчанлигини аниқлаш ва ошириш йўллари ишлаб чиқиш, ушбу соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, жумладан, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини амалиётга жорий этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ва сифатини оширишга қаратилган дастлабки бўғини, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни бажаришда ЎКСли беморларни даволаш тактикасини

<sup>1</sup> World Health Statistics. World Health Organization. 2018.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

оптималлаштириш, касалликнинг олдини олиш ва реабилитация қилиш профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинига татбиқ этиш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 12 июндаги ПҚ–3052-сон «Соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда ўтказилган кўп сонли тадқиқотлар ва чоп этилган адабиётлар шарҳидан маълумки, яллиғланиш – атеросклероз ривожланишининг муҳим белгиси эканлиги, касалликнинг зўрайиши ва томирлар дисфункцияси ҳамда навбатдаги тромботик окклюзия ва юрак-қон томир асоратлари, жумладан, ЎКС ривожланиши билан пиллакчарнинг ёрилишига олиб келишини аниқлаши белгиланган (Алекперов Э.З. ва ҳаммуалл., 2010; Centurion O.A., 2016). Яллиғланиш олди цитокинлари гипермаҳсулотларининг ЎКС зўрайишига таъсири, аввало, а-ўсма некрози омили ( $\alpha$ -ЎНО), интерлейкинлар (IL–1, 6) томонидан одам организми периферик тўқималари ва кардиомиоцитларга нейрогуморал тизим (хусусан, симпато-адренал-тизим (САТ) ва ренин-ангиотензин-алдестерон-тизим (РААТ)) фаоллигини модуляциялаш, азот оксиди маҳсулотлари (NO) ва метаболизмнинг бошқа омилларига тўғридан-тўғри шикастлантирувчи таъсир кўрсатиши орқали амалга ошириши аниқланган (Шилов А.М., 2011; Garsua-Salas J.M. et. al., 2014). Шунингдек, яллиғланиш цитокинлари ва интерферонлар (ИФН) кардиомиоцитларда индуцирланган INOS-синтазларни стимуляциялаш йўли билан NO синтезини потенциаллаштириши асосланган. Цитокинуцирланган NO шакли миокардиоцитларга тўғридан-тўғри токсик таъсир кўрсатиш кучига эга, интерстициал ўсиш ва фиброз жараёнларини фаоллаштириши,  $\alpha$ -ЎНО, IL–1, IL–6, ИФН–у нинг салбий инотроп таъсирини потенциаллаштириши, юракнинг геометрик ремоделланишига ёрдам бериши аниқланган (Шрейдер Е.В. ва ҳаммуалл., 2008). Шу билан бирга илмий адабиётлардаги маълумотлар шундан далолат берадики, ЎКСда цитокинуцирланган бузилишлар асосида ётувчи молекуляр патогенетик механизмлар ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

Хужайравий ва гуморал иммун жавоб ривожланишига КАнинг таъсири ҳақидаги маълумотларга таяниб стрессга жавоб реакциясининг ривожланиши натижасида иммун-яллиғланиш реакциялари жараёнлари бостирилишини тахмин қилиш мумкин. Замонавий тадқиқотлар таҳлиliga кўра бугунги кунга қадар касалликнинг клиник-диагностик хусусиятлари, КА метаболизми бузилишлари ва бирламчи яллиғланиш медиаторлари ўртасидаги ўзаро алоқа, ЎКСни доридармонлар билан даволаш самарадорлигини оширишнинг даволаш-реабилитацион жиҳатлари етарлича ўрганилмаган (Руда М.Я., 2011; Kim S.W. et al., 2018).

Бироқ ушбу адабиётлар таҳлиliga кўра мамлакатимизда ЎКСнинг прогностик предикторларини аниқлаш, уларнинг сезувчанлиги ва спецификлигини баҳолаш долзарб муаммо сифатида сақланиб қолмоқда, ЎКСли беморларнинг шахсий хавф стратификацияси, ЎКСли беморларни даволаш алгоритми ва оптималлаштириш дастури яратилган. Бинобарин, ушбу муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган иш ўзида долзарб муаммони акс эттиради ва ушбу тадқиқотнинг амалга оширилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01910010331-сонли «Юрак-қон томир тизими касалликларида катехоламинлар, липидлар метаболизми ва аминоксидаз функциясининг бузилиши» мавзуси доирасидаги тадқиқот лойиҳаси бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўткир коронар синдромли беморларда симпато-адренал тизим функционал ҳолати, ҳамда яллиғланишнинг бирламчи медиаторлари фаоллиги хусусиятларини аниқлаш асосида ўткир коронар синдром кечишини башоратлаш ва эрта ташхислашни оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ЎКСли беморларда катехоламинлар таркиби – адреналин, норадреналин, дофамин ва КАнинг ўтмишдоши – сийдикнинг бир суткалик экскрециясидаги ДОФА хусусиятларининг бузилишини баҳолаш;

ЎКСли беморлар қон зардобида КА метаболизмининг асосий ферменти – моноаминоксидазлар (МАО) ўзгаришининг хусусиятини аниқлаш ва қиёсий таҳлил этиш;

ЎКСли беморлар қон зардобида яллиғланиш медиаторлари IL–6,  $\alpha$ -ЎНО интерлейкинлари, яллиғланишга қарши IL–10 интерлейкини, шунингдек, яллиғланишнинг носпецифик маркери – (юс)-С-реактив оқсили (С-РО)ни аниқлаш ва қиёсий тадқиқ этиш;

ЎКСли беморлар қон зардобида миокард эрта шикастланишининг предиктори – протеин плазмалар А-(РАРР-А) ва мия натрий-уретик пептид NT–pro BNP нохуш башорати предиктори таркибини аниқлаш;

ЎКСли беморларда КА метаболизми бузилишлари, яллиғланишнинг бирламчи медиаторлари, миокарднинг эрта шикастланиш предикторлари протеин-плазмаси А (РАРР-А), ва мия натрий-уретик пептид NT–pro BNP

нохуш башорати предиктори ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг хусусиятларини баҳолаш;

ЎКСни эрта ташхислаш ва кечишини башоратлашни оптималлаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика шошилинич тез ёрдам илмий маркази Андижон филиали кардиология бўлимида ва Андижон давлат тиббиёт институтининг клиникаси кардиология булимларида ўткир коронар синдроми ташхиси билан ётиб даволанган 30 ёшдан 79 ёшгача бўлган 149 нафар бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб беморларнинг қон зардоби, суткалик сийдиги, ЭКГ, ЭхоКг маълумотлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда клиник, биокимёвий, иммунофермент, инструментал, статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ЎКСнинг шаклланиши ва зўрайишида нейрогуморал, адренергик, иммун-яллиғланиш тизимлари орасидаги ўзаро потенцирловчи алоқанинг мавжудлиги ва унинг фаоллигининг роли асосланди;

ЎКСда симпато-адренал тизимнинг фаоллигини ошиши липидларнинг оксидланишининг кучайишига сабаб бўлиб, MAO ферментининг каталитик хусусиятларининг модификациясига олиб келиши аниқланган;

ЎКСда протеин плазма – А (PAPP-A)нинг даражасининг ошиши уни миокарднинг эрта шикастланишининг предиктори сифатида кардиоспецифик маркерлар билан бир қаторда ЎКС диагностикасида қўлланилиши мумкинлиги исботланган;

ЎКСли беморларда касалликнинг кечишини башорат қилиш учун мия натрий-уретик пептиди NT-pro BNPнинг миқдорини аниқлаш эрта дифференцирланган тактика олиб бориш учун зарурлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ЎКСли беморларда атеросклеротик пиллакчанинг дестабилизациясини чақирувчи иммун яллиғланиш маркерлари сифатида IL-6, α-ЎНО интерлейкинлари, яллиғланишга қарши IL-10 интерлейкини, миокарднинг эрта шикастланиш маркери сифатида протеин А плазма, нохуш башорат маркери сифатида мия натрий-уретик пептид NT-pro BNPнинг аниқланиши касалликнинг эрта диагностикасини оптималлаштиришга асос солган;

клиник-лаборатор-инструментал скринингни ҳисобга олган ҳолда ЎКСли беморлар хавф стратификацияси, кардиоваскуляр хавф кўрсаткичларини аниқлаш, ЎКСнинг асосий намоён бўлишини мониторинги ва касалликнинг кечишини назорат қилишнинг мақбуллаштириш услублари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, биокимёвий, иммунофермент, инструментал ва статистик текширув усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов

берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончилигини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ЎКСда нейрогуморал, адренергик, иммун яллиғланиш дисбалансларининг роли ҳақидаги илмий билимларни тўлдириши, ЎКСли беморларда нохуш натижалар хавфини стратификациялаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ЎКСнинг олдини олиш ва эрта ташхислашда патогенетик ёндашувларни оптималлаштириш бўйича тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланиб, ЎКСни эрта ташхислаш самарадорлигини ошириш ҳамда касалликнинг юрак-қон томир асоратлари частотасини камайтиришига хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўткир коронар синдромли беморларда катехоламинлар метаболизмининг бузилиши ва бирламчи медиаторлар яллиғланишининг ўзаро боғлиқлигини эрта аниқлашга янгича ёндашувларни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўткир коронар синдромни эрта ташхислашга янгича ёндашув» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 24 июндаги 8н-з/111-сон маълумотномаси). Мазкур методик тавсиянома ЎКСли беморларда КА метаболизми бузилишлари, яллиғланишнинг бирламчи медиаторлари ҳамда касалликнинг нохуш башорати маркерлари ўртасидаги ўзаро алоқани ўрганиш, ЎКСнинг эрта ривожланиш босқичида фаол даволаш-профилактик чораларни оптималлаштириш имконини берган;

ЎКСни нейрогуморал ва иммунологик тизимларнинг фаоллигини ўрганиш асосида ЎКСни эрта ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш борасида олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси кардиология бўлими фаолиятига, Андижон вилояти Республика шошилинич тез тиббий ёрдам илмий марказининг кардиология бўлимига, Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг кардиология бўлими амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 24 июндаги 8н-з/111-сон маълумотномаси). Олинган натижалар ЎКСни эрта ташхислаш кўрсаткичларини ошириш, беморларнинг реанимацияда бўлиш муддатларини қисқартириш, летал натижалар частотасини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида киритилган журналларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 126 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ўткир коронар синдром ҳақидаги замонавий тасаввурлар. Касаллик ривожланишида нейрогуморал механизмлар ва яллиғланиш медиаторларининг роли»** деб номланган биринчи бобида ўқСли беморларни ташхислаш ва даволаш муаммоси бўйича илмий ахборотлар бойитилган ҳамда тизимлаштирилган, мавжуд маълумотларнинг батафсил таҳлили амалга оширилган, критик баҳоланган, келгусида ечими топилиши керак бўлган долзарб муаммолар ёритилган. Амалга оширилган адабиётлар таҳлили натижасида ушбу муаммога даҳлдор ечими топилмаган вазифалар аниқланган.

Диссертациянинг **«Клиник материал ва тадқиқот услубларининг умумий тавсифномаси»** деб номланган иккинчи бобида фойдаланилган тадқиқот усуллари ва клиник материаллар тавсифланган. Тадқиқот давомида олинган илмий натижалар асосида 2011–2013 йиллар давомида Андижон давлат тиббиёт институти клиникалари ва Республика шошилинич тез тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали базаларида ST сегменти кўтарилиши билан ўқС ташхиси қўйилган 25 ёшдан 75 ёшгача бўлган 149 нафар беморнинг даволаш натижалари келтирилган. ўқС ташхиси ESH/ESC (2013) тавсиялари асосида белгиланган.

Клиник-лаборатор-инструментал текширишларни ҳисобга олган ҳолда ўқСли барча беморлар 3 сутка давомида 3 гуруҳга ажратилди:

I гуруҳ – Q-тишли ўқСлига трансформация бўлган ST сегменти кўтарилиши мавжуд ўқСли беморлар (n=67) - ўқС  $\uparrow$ ST/Q тишли ўқСли;

II гуруҳ – Q-тишсиз ўқСлига трансформация бўлган ST сегменти кўтарилиши мавжуд ўқСли беморлар (n=25) - ўқС  $\uparrow$ ST/Q тишсиз ўқСли;

III гуруҳ – номуқим стенокардияга (НС) трансформация бўлган ST сегменти кўтарилиши мавжуд ўқСли беморлар (n=57) - ўқС  $\uparrow$ ST/НС;

Назорат гуруҳини 29 ёшдан 60 ёшгача бўлган 20 нафар амалий соғлом, юрак-қон томир патологиялари бўлмаган волонтер-шахслар ташкил этди.

ЎҚСли беморларни базис даволаш стандарт бўйича нитратлар, тромболитиклар, антриагрегантлар, антикоагулянтлар, АПФ ингибиторлар, В-блокаторлар, статинларни ўз ичига олган.

Барча беморларда стандарт умумклиник текширувлар ўтказилди: ЭКГ, ЭхоКГ, УТТ ва кўкрак қафасининг рентгенографияси. Шунингдек, қоннинг липид спектри (УХС, ХС ЛПҚЗ, ХС ЛПЖҚЗ, ХС ЛПЮЗ, ТГ); суткалик сийдик таркибидаги катехоламинлар (адреналин, норадреналин, дофамин ва ДОФА); қон зардобидидаги КА – МАО дезаминирланиш ферменти фаоллиги; қон зардобидидаги оксидант мақом (ЛПО – МДА маҳсулотлари); қон зардобидидаги антиоксидант мақом (каталазалар фаоллиги); иммун мақом (IL–6, IL–10); носпецифик яллиғланиш (юқори сезувчан С-реактив оксил (юс-СРО)); миокарднинг эрта шикастланиш маркери (А плазманинг металлопротеиназаси (РАРР–А)); касалликнинг нохуш башорати маркери (мия натрий-уретик пептид (NT-pro BNP)) аниқланди.

Олинган натижаларга Statistica – 6 амалий дастурини қўллаш орқали статистик ишлов берилди. Алоқа кучларини аниқлашда кўрсаткичлар орасида корреляцион, бир омилли ва кўп омилли дисперсион ҳамда регрессион таҳлиллардан фойдаланилди. Ўртача стандарт арифметик хатолик ҳисобланди, гуруҳлараро фарқларнинг ишончлилиги жуфт ва тоқ фарқлар учун Студент мезонидан фойдаланиб аниқланди. Ўртача арифметик кўрсаткичлар ўртасидидаги фарқлар  $p < 0,05$  да ишончли деб ҳисобланди. Белгилар ўртасидидаги алоқа кучини аниқлашда Ранг даражали корреляция методи қўлланди. Гуруҳлар ўртасидидаги фарқлар ишончлилиги Манн–Уитни мезони ёрдамида баҳоланди. Алоқалар кучи корреляция коэффиценти катталиги бўйича баҳоланди ( $r=0 - \pm 0,29$  да кучсиз,  $r = \pm 0,3 - \pm 0,69$  да урта,  $r = \pm 0,7 - \pm 1,0$  да кучли).

Диссертациянинг «**Ўткир коронар синдромли беморларда нейрогуморал омиллар бузилишининг хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобидида ЎҚСли беморларда А, НА, ДА ва уларнинг ДОФА ўтмишдоши метаболизмининг бузилиш хусусиятларини ўрганиш натижалари баён этилган.


Нейрогуморал кўрсаткичлар даражаси таҳлил қилинганда ЎҚСли беморларда уларнинг ишончли ошиши кузатилди. Шунингдек, ЎҚСли беморлар қон зардобидида Q ли ЎҚС  $\uparrow$ ST/ЎМИ А даража ўртача  $52,0 \pm 0,8$  пг/мл ни ташкил этди, бу назорат гуруҳидидаги кўрсаткичидан 3,6 марта юқори ( $p < 0,001$ ); НА таркиби  $160,3 \pm 2,1$  пг/мл ни ташкил этди, бу назорат аҳамиятидан 1,3 марта ошади ( $p < 0,05$ ). Q сиз ЎҚС  $\uparrow$ ST/ЎМИ беморлар қонидида А даража назорат гуруҳидидаги 3,2 мартага нисбатан ишончли юқори бўлиб чиқди ( $46,0 \pm 1,7$  пг/мл) ( $p < 0,001$ ). НА даражаси назорат гуруҳига нисбатан 1,2 марта ишончли катта бўлди ( $149,5 \pm 2,0$  пг/мл) ( $p < 0,05$ ). Аналогик тенденциялар ЎҚС  $\uparrow$ ST/трНС ли беморларда аҳамиятли бўлди, бироқ нисбатан камроқ: А даража  $24,3 \pm 0,9$  пг/мл ( $p < 0,01$ ), НА эса  $134,5 \pm 2,0$  пг/мл ни ( $p > 0,05$ ) ташкил этди.

Нейрогуморал кўрсаткичларнинг ўзгариб туришини ҳисобга олган ҳолда текширилган беморларда, умуман, медиананинг кичик аҳамиятлари чегарасидида (юқори даража) А, НА ва гиперкатехоламинемиялар (ГК) таркиби бўйича

таксимланиши баҳоланди (1-расм). Қайд этилдики, ЎКСли I, II ва III гуруҳлар беморларининг барчасида мос ҳолда НАнинг юқори даражаси кузатилди – 74,4%, 73,1% ва 52,1%. А таркибининг ошиши медиананинг камроқ аҳамиятли чегараларида (ўртача юқори даража), НА даражасининг ўзгариши эса медиананинг катта аҳамиятли чегараларида қайд этилди (юқори даража). ГК Q ли ЎКС ↑ST/ЎМИ билан ҳамда Q сиз ЎКС ↑ST/ЎМИ билан ҳар иккинчи беморда ассоцирланган (51,3 ва 51,4% бўйича). ЎКС↑ST/НСли беморларда назорат гуруҳидагилар билан таққосланганда 1,1 марта катталаниш билан бирга кузатилди ( $p>0,05$ ).

ЎКСли беморларда нейрогуморал омиллар (НГО) таққосланганда ЎКСли беморларнинг I, II ва III гуруҳида (Q сиз ЎКС↑ST/ ЎМИ ва ЎКС↑ST/НС) мос ҳолда НАнинг юқори даражаси қайд этилди – 74,4%, 73,1% ва 82,1% (1-расм).

А таркибининг ошиши медиананинг кам аҳамиятли чегарасида (ўртача юқори даража) белгиланди, НА даражасининг ўзгаришлари эса медиананинг катта аҳамиятли чегарасида қайд этилди (юқори даража).



**1-расм. Ўткир коронар синдромли беморларда нейрогуморал омиллар кўрсаткичлари частотасини таққослаш.**

Ёшга боғлиқ ҳолда КА даражасини таққослаш натижалари шуни кўрсатдики, барча гуруҳлардаги ЎКСли беморларда КА концентрацияси ёш ўтиши билан Q билан ЎКС↑ST/ЎМИ ва ундан катта ёшли беморлар гуруҳида максимал кўрсаткичлар билан ўсиб боради. ГКнинг нисбатан қуйи ривожланиш хавфи ёш ўтиши билан НСли беморларда, асосан, катта ёшли гуруҳларда кузатилади.

Бинобарин, ЎКСли беморларда, шубҳасиз, гиперкатехоламинемиянинг ёшга боғлиқ ҳолдаги «дарғазаб»лиги аҳамиятга эга бўлади ҳамда ёш ЎКСнинг ҳар қандай намоён бўлишида ГК синдромининг ривожланиш хавфи омили саналади.

ГК частотаси ва/ёки КА секрецияси бузилишининг яққоллиги аҳамиятли миқёсда жинсга боғлиқ бўлади. Q билан ЎКС  $\uparrow$ ST/ЎМИ бемор аёлларда A ( $p < 0,001$ ) ва НА ( $p < 0,05$ ) даражасининг катталашини максимал даражали кўрсаткичларга эга эркакларга нисбатан аҳамиятли кўп кузатилди.

Ушбу тадқиқот давомида ЎКСли беморларда сийдик билан А ва НАнинг суткалик экскрецияси хусусиятлари ўрганилди.

ЎКСли беморларда суткалик экскреция А ва НА сийдик билан қиёсий баҳоланганда ишончли ошганлигини кўрсатди. Q ли ЎКС  $\uparrow$ ST/ЎМИ беморларда  $A_{\text{эркин}}$ ,  $A_{\text{умум}}$  ва  $A_{\text{яқун}}$  мос ҳолда қуйидагиларни ташкил этди:  $14,9 \pm 0,2$  мкг/сут.,  $18,7 \pm 0,1$  мкг/сут.,  $33,6 \pm 0,6$  мкг/мл ( $p < 0,001$ ), бу назоратдан 3,7 марта, 4,8 марта ва 4,3 марта юқори. Суткалик сийдикда НА экскрецияси қуйидагича бўлди:  $НА_{\text{эркин}} - 33,4 \pm 0,4$  мкг/сут.,  $НА_{\text{яқун}} - 35,3 \pm 0,4$  мкг/сут.,  $НА_{\text{умум}} - 68,8 \pm 0,7$  мкг/сут., бу назоратдагидан мос ҳолда 4,3 марта; 4,5 марта ва 4,4 марта юқори.

Q сиз  $\uparrow$ ST/ЎМИ ЎКС беморлар (II гуруҳ)дан олинган таҳлил натижалари аналогик, бироқ КА ошиш тенденциясининг яққоллиги камроқ бўлган экскрецияни кўрсатди. Шунингдек, А нинг суткалик экскрецияси ҳам ошган:  $A_{\text{эркин}} - 9,0 \pm 0,04$  мкг/сут.,  $A_{\text{яқун}} - 15,2 \pm 0,02$  мкг/сут.,  $A_{\text{умум}} - 24,2 \pm 0,1$  мкг/сут., бу назорат кўрсаткичларига нисбатан 2,3 марта; 3,9 марта; 3,1 марта ( $p < 0,001$ ) юқори. НА кўрсаткичлари ҳам  $23,4 \pm 0,1$  мкг/сут.;  $25,6 \pm 0,1$  мкг/сут.;  $49,0 \pm 0,1$  мкг/сут. ни ташкил этиб ошган, бу назорат кўрсаткичларига нисбатан 3,0 марта; 3,2 марта ва 3,1 марта юқори.  $\uparrow$ ST/НС бўлган беморларда КАнинг суткалик экскрецияси барча фракцияларда нисбатан жуда кам кўрсаткичлар билан характерланди –  $A_{\text{эркин}} - 8,8 \pm 0,02$  мкг/сут.,  $A_{\text{яқун}} - 8,9 \pm 0,02$  мкг/сут.,  $A_{\text{умум}} - 17,7 \pm 0,05$  мкг/сут., бу назорат кўрсаткичларига нисбатан мос ҳолда 2,3 марта, 1,6 марта, 2,4 марта юқори ( $p < 0,001$ ). НАга нисбатан қуйидаги даражалар қайд этилди:  $НА_{\text{эркин}} - 20,9 \pm 0,1$  мкг/сут.,  $НА_{\text{яқун}} - 20,0 \pm 0,01$  мкг/сут.,  $НА_{\text{умум}} - 40,9 \pm 0,1$  мкг/сут., бу назорат кўрсаткичларидан мос ҳолда 2,7; 2,5; 2,6 марта юқори.


Бинобарин, ҳар учала гуруҳдаги ЎКСли беморларга катехоламинлар алмашувининг яққол бузилишлари хос бўлди. Шу билан бирга Q ли  $\uparrow$ ST/ЎМИ ЎКС ва Q сиз  $\uparrow$ ST/ЎМИ ЎКС беморлар қонида А ва НАнинг уларнинг суткалик экскрецияси ассоциирланувчи жуда юқори даражаси қайд этилди.

ЎКСли беморларда КАнинг метаболик ўтмишдошлари суткалик экскрециясини баҳолаш натижаларига кўра барча гуруҳлардаги беморларда ДА ва ДОФА даражаси назорат кўрсаткичларидан ошди ( $p < 0,001$ ) ва Q ли  $\uparrow$ ST/ЎМИ ЎКС гуруҳида ушбу кўрсаткич максимал кўтарилди ( $p < 0,001$ ). Q сиз  $\uparrow$ ST/ЎМИ ЎКС ( $p < 0,001$ ) ва  $\uparrow$ ST/трНС ЎКС ( $p < 0,05$ ) беморларда КА ўтмишдошининг суткалик экскрецияси нисбатан камроқ даражада ошиши қайд этилди.

Бинобарин, ДА ва ДОФА кўрсаткичлари қиёсий баҳоланганда ушбу кўрсаткичларнинг патогенлиги Q билан ЎКС  $\uparrow$ ST/ЎМИ ва Q сиз ЎКС  $\uparrow$ ST/ЎМИ бўлган беморларда потенциал юқори даражани кўрсатди.

ЎКСли беморларда ёшга боғлиқ ҳолда ДА ва ДОФА кўрсаткичларининг таҳлили натижаларига кўра ёш ортиб бориши билан Q билан  $\uparrow$ ST/ЎМИ ЎКС, Q сиз  $\uparrow$ ST/ЎМИ ЎКС ва  $\uparrow$ ST/трНС ЎКСли беморларда КАнинг метаболик ўтмишдошлари таркиби ортиб боришга мойил бўлди, бироқ ишончли аҳамиятларгача етиб бормади. Умуман олганда, ЎКСли беморларда ДОФА ва гипердофанемия диагностик аҳамиятли патогенликка эга бўлади (бу ерда Q билан ЎКС  $\uparrow$ ST/ЎМИ жуда юқори даражада, Q сиз ЎКС  $\uparrow$ ST/ЎМИ эса – бирмунча камроқ аҳамиятли даражада ва ЎКС  $\uparrow$ ST/НС – жуда кам даражада намоён бўлади) ҳамда бундай тенденция катта ёшли беморлар гуруҳига хослиги билан характерланади.

Тадқиқот давомида КАнинг ўтмишдошлари – ДО ва ДОФА ҳамда ДА+ДОФА кўрсаткичлари I ва II гуруҳдаги беморларга нисбатан Q билан ЎКС  $\uparrow$ ST/ЎМИ гуруҳидаги беморларда ишончли юқорилиги кузатилди ( $p < 0,001$ ). Q сиз ЎКС  $\uparrow$ ST/ЎМИ ( $p < 0,001$ ) ва ЎКС  $\uparrow$ ST/НСли ( $p < 0,05$ ) беморларда кўрсаткичларнинг нисбатан камроқ даражада ошиши қайд этилди.



**2-расм. ЎКСли беморлар конида КА (ДА, ДОФА) ўтмишдошларининг ортиб бориш катталиклари.**

ЎКСли беморлар суткалик сийдигида жинсга боғлиқ ҳолда ДА ва ДОФА кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш шуни кўрсатдики, аёлларда уларнинг ошиши эркакларга нисбатан сезиларли равишда кўп қайд этилди. Бундай тенденция ЎКСли беморларда ДОФА билан таққосланганда ДА даражаларда ҳамда Q билан  $\uparrow$ ST/ЎМИли беморлар гуруҳида бирмунча яққол шаклда тасдиқланади ( $p < 0,001$ ). Айтиш жоизки, ЎКСли ҳар учала гуруҳ беморларида ҳам ДА ва ДОФАнинг суткалик экскрецияси даражаси назорат гуруҳи билан таққосланганда аҳамиятли юқорилиги аниқланди ( $p < 0,001$ ). Бу САТ фаоллашуви шароитида ДОФАни ДАга айлантирувчи ДОФА-декарбоксилазлар ферменти фаоллигининг пасайиши билан боғлиқ.

КА-моноаминоксидазлар дезаминирланишининг муҳим ферменти ҳамда липидларнинг перекис оксидланиш жараёнларини ўрганиш шуни кўрсатдики, ЎКС билан текширилган барча беморларда МАОнинг маълум бир қуйи

даражаси ва МДАнинг аҳамиятли юқори кўрсаткичлари мавжуд. Бунда Q билан ЎКС ↑ST/ЎМИ беморларда MAO даражаси ўртача  $0,02 \pm 0,0004$  бир/экст. ни ташкил этди, бу назорат кўрсаткичларидан 20 марта кам ( $p < 0,001$ ). Шунингдек, MAO фаоллигининг қуйи кўрсаткичлари Q сиз ЎКС ↑ST/ЎМИ беморларда ( $0,03 \pm 0,0002$  бир/экст.) ( $p < 0,001$ ) ва ЎКС ↑ST/НСда ҳам ( $0,04 \pm 0,0004$  бир/экст.) ( $p < 0,001$ ) қайд этилди.

ЎКСли беморларда МДА кўрсаткичлари қиёсий ўрганилганда қон зардобида ЛПО (МДА) маҳсулотларининг юқори кўрсаткичлари кўзга ташланди. Бу ходисалар жуда катта эҳтимол билан организмда ЛПО жараёнларининг кучайиши ва ЮҚТК/ЮИК хавфи бўлган беморларда эркин радикаллар микдорининг ошиши кабиларни аниқловчи омиллар билан боғлиқ.

Бундан ташқари Q билан ЎКС ↑ST/ЎМИ беморларда МДАнинг ўртача аҳамияти  $9,5 \pm 0,1$  нмоль/л ни ташкил этди, бу назорат кўрсаткичидан 3,1 марта ортиқ ( $p < 0,001$ ); Q сиз ЎКС ↑ST/ЎМИ беморлар гуруҳида МДА  $6,3 \pm 0,3$  нмоль/л ни ташкил этди, бу назорат кўрсаткичидан 2,0 марта кўп ( $p < 0,01$ ); ЎКС ↑ST/НС беморларда МДА даражаси кўтарилган ва  $6,0 \pm 0,02$  нмоль/л ни ташкил этган, бу назорат кўрсаткичидан 1,9 марта юқори ( $p < 0,001$ ). Умуман олганда, МДА даражаси Q сиз ЎКС ↑ST/ЎМИ (1,5 марта;  $p < 0,001$ ) ва ЎКС ↑ST/трНС (1,6 марта;  $p < 0,001$ )ли беморлар кўрсаткичлари билан таққосланганда Q билан ЎКС ↑ST/ЎМИ беморларда баланд.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар организмда нейрогуморал кўрсаткичлар (А, Н, ДА, ДОФА), ЛПО (МДА) маҳсулотлари таркибида MAO фаоллиги билан тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқликда деб тахмин қилиш имконини беради. МДА ва MAO кўрсаткичлари ўртасида тесқари боғлиқлик мавжуд, яъни ЛПО жараёнларининг кучайиши оқибатида (МДА даражасига нисбатан) MAO ферментининг каталитик фаоллиги пасайиши кузатилади. ЛПО ва МДА маҳсулотларининг таркиби таққосланганда ЛПОнинг параллел равишда ошиб бориши билан MAO даражаси камайиб бориши аниқланди. Бу ЎКСли беморларда патологик силжишларнинг чуқурлашиш жараёнлари юз бераётганлигини тахмин қилишга асос бўла олади. Ушбу ҳолатда тахмин қилиш мумкинки, ЛПО маҳсулотларининг ортиқча тўпланиши MAO фаоллигининг камайишини рағбатлантирувчи омил саналади.

Q билан ЎКС ↑ST/ЎМИ беморлар қонида ёшни ҳисобга олган ҳолда олиб борилган MAO ўзгаришлари динамикаси таҳлили шуни кўрсатдики, ёш MAO даражасига таъсир кўрсатмайди ва ушбу нейрогуморал кўрсаткич барча ёш гуруҳларида ўртача аҳамиятда  $0,02 \pm 0,001$  бир/экст дан ортиқ эмас. Худди шундай қонуният I, II ва III гуруҳ беморлари қон зардобидаги МДА кўрсаткичлари ўрганилганда ҳам кўзга ташланди.

**Диссертациянинг «Ўткир коронар синдромли беморларда яллиғланишнинг носпецифик маркерлари ва хавфнинг янги омилларини тадқиқ этиш»** деб номланган тўртинчи бобида ЎКСли беморларда яллиғланишнинг айрим носпецифик кўрсаткичлари (IL–6, IL–10 цитокинлар, α-ЎНО, юс-СРО), миокарднинг эрта шикастланиш маркерлари – протеин-плазма-

A (PAPP-A) ҳамда нохуш натижа маркерлари – мия натрий-уретик пептид (NT-proBNP) кўрсаткичлари ўрганилган.

Носпецифик яллиғланишни баҳолаш натижаларига кўра IL-6 ва IL-10 нинг кўтарилган таркиби ўКСли барча беморлар гуруҳида аниқланди, унинг максимал даражаси Q билан ўКС ↑ST/ўМИ беморларда назоратга нисбатан 22,0 ва 1,2 марта юқори бўлди (IL-6  $184,3 \pm 8,1$  пг/мл;  $p < 0,001$ ); (IL-10 –  $10,0 \pm 0,4$  пг/мл;  $p < 0,05$ ).

ўКСли беморларда носпецифик яллиғланиш кўрсаткичлари таққосланганда ёш ва гиперцитокинемия ўртасида боғлиқлик мавжудлиги тасдиқланди – IL-6 нинг 3,4 марта ва IL-10 нинг 1,8 марта ошиши кузатилди ( $p < 0,001$ ). Цитокинлар даражасидаги ( $p < 0,001$ ) гендер фарқлар ўрганилганда уларнинг барча гуруҳлардаги аёлларда ишончли ошиши (3,4; 1,9; 1,8 марта,  $p < 0,001$ ), Q билан ўКС ↑ST/ўМИ беморларда максимал ошиши (IL-6 –  $172,0 \pm 9,0$  пг/мл,  $p > 0,001$ ; IL-10 –  $9,4 \pm 0,4$  пг/мл,  $p < 0,05$ ) қайд этилди.

ўКСли беморларда ўтказилган клиник-лаборатор тестлар орасида ўткир фазали реактантлар сифатида  $\alpha$ -усма некроз омили ( $\alpha$ -ўНО) ва юқори сезувчан C-реактив оксил (юс-СРО) нинг диагностик имкониятларини аниқлаш жуда катта ўрин эгаллайди.

$\alpha$ -ўНО ва юс-СРО даражасини қиёсий баҳолаш шуни кўрсатдики, Q билан ўКС ↑ST/ўМИ беморларда –  $\alpha$ -ўНО максимал 15,4 марта ( $p < 0,001$ ), юс-СРО максимал 6,1 марта ошди. Бундай тенденция Q сиз ўКС ↑ST/ўМИ беморлар гуруҳида ФНО- $\alpha$  4,1 марта ( $p < 0,001$ ), вч-СРБ – 4,4 марта ( $p < 0,001$ ) ошиши сақланиб қолди, бирмунча камроқ аҳамиятли ошишлар ўКС ↑ST/трНС беморларда кузатилди: ўКС↑ST/НС  $\alpha$ -ўНО – 2,7 марта ( $p < 0,001$ ), юс-СРО – 4,0 марта ( $p < 0,001$ ).

ўКСли беморларда  $\alpha$ -ўНО ва юс-СРО кўрсаткичлари ўзгаришларининг ёшга боғлиқ хусусиятлари катта ёшли беморлар гуруҳларида ( $p < 0,01$ ), шунингдек, ўКСдан азият чекаётган бемор аёллар орасида уларнинг гендер фарқлари максимал ошиши қайд этилди ( $p < 0,05$ ).

Биобарин, носпецифик яллиғланишнинг асосий кўрсаткичлари билан рационал специфик хусусиятларга эга ва популяцион материалда қўшимча тадқиқотлар талаб этувчи Q билан ўКС ↑ST/ўМИ, Q сиз ўКС ↑ST/ўМИ, ўКС ↑ST/НС комбинациялари ассоциацияси тасдиқланган.

Қатор тадқиқотлар натижаларига кўра гипер-РАРРА ҳолати ( $>10$ мМЕ/л) яллиғланишнинг сезувчан маркери ва АСП шикастланиш ҳисобланади, бу ўКСнинг сабаби бўлиши мумкин, шунинг учун ушбу кўрсаткич даражаларини аниқлашдан ўткир коронар ходисаларни ташхислашда фойдаланиш мумкин. Бироқ бугунги кунга қадар ушбу омил ва унинг катехоламинлар бузилиши билан ўзаро алоқаси, ўКС ва/ёки кардиоваскуляр континум ривожланишида яллиғланишнинг бирламчи медиаторлари роли охиригача ўрганилмаган. Юқорида кўрсатиб ўтилганлар ўКС ривожланишида қўшимча предиктор омилларни аниқлашни амалга оширишда ушбу тадқиқотнинг муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

ЎКСли беморларда РАРР-А таркибини баҳолаш натижаларига кўра Q билан ЎКС  $\uparrow$ ST/ЎМИ беморлар гуруҳида назорат кўрсаткичларига нисбатан 49,0 марта юқорилигини кўрсатди ( $p < 0,001$ ). Q сиз ЎКС  $\uparrow$ ST/ЎМИ беморлар гуруҳида ҳам РАРР-А назоратга нисбатан 25,0 марта аҳамиятли юқори ( $p < 0,001$ ), ЎКС  $\uparrow$ ST/НС беморлар гуруҳида эса – 9,5 марта ( $p < 0,001$ ) юқори бўлди.

РАРР-Анинг ёшга боғлиқ ўзгаришлари хусусияти шуни кўрсатдики, РАРР-А концентрацияси унинг жадал ошиши томонга яққол ўзгаришлари фониди ЎКС ривожланишининг етарлича кучли омили ҳисобланади. Шу билан бирга бундай тенденция, гарчи бир хил даражада бўлмаса-да, ЎКСли барча гуруҳ беморларида кузатилади. Бундан ташқари РАРР-А даражаси Q билан ЎКС  $\uparrow$ ST/ЎМИ беморлар қонида ёш ўтиши билан ўртача  $2,7 \pm 1,6$  мкг/мл (30–39 ёш)дан  $8,8 \pm 0,9$  мкг/мл ( $>70$  ёш)гача, яъни 4 марта ортиб боради ( $p < 0,001$ ). Q сиз ЎКС  $\uparrow$ ST/ЎМИ беморларнинг  $>70$  ёш гуруҳида  $1,3 \pm 0,7$  мкг/мл дан (30–39 ёш)  $3,1 \pm 0,4$  мкг/мл гача, яъни 2,4 марта ( $p < 0,001$ ) ошиб борди. Назорат кўрсаткичларидан эса РАРР-А даражаси ёш ўтиши билан камроқ даражадаги яққолликда аниқланди: 30–39 ёшда –  $0,02 \pm 0,002$  мкг/мл ва  $>70$  ёшда –  $2,4 \pm 0,1$  мкг/мл, яъни ёш ўтиши билан РАРР-А даражаси 12,0 марта ортди ( $p < 0,001$ ).

